



# YOSHLAR OVOZI

## KUN MAVZUSI

Инновация + тафаккур =  
ТАРАКҚИЁТ

Юртимизда илк бор математика бўйича  
Муҳаммад Хоразмий номидаги халқаро  
фан олимпиадаси бўлиб ўтмоқда



Имом Бухорий бобомиз: "Дунёда илмдан бошқа нарқот йўқ ва бўлмағай", — деганида нақадар ҳақ эди. Ҳозиргидек кескин рақобат, гоёлар кураши авж олган бир пайтда бу ҳикматнинг қиймати янада ортган. Шу боис биз, аввало, таълим соҳасини ислоҳ қилишдан сира тўхтаётганимиз йўқ.

Улуғ аллома Муҳаммад Хоразмий ўз даврида инновацион илмий қарашларни илгари суриб, алгебра фанига асос солганини бир эсанг. Бобомиз ана шундай улкан кашфиётга қўл урмаганида, эҳтимол, бугунгидек техник ривожланиш палласига етмасмидик. Инчунин, оддий калькулятордан тортиб юсмик кемагача бўлган улкан ихтиролар замирида алгебра ётиши ҳаммага маълум. Демак, айни чоғда биз ажодларнинг бебаҳо илмий меросидан баҳраманд бўлибгина қолмай, уни яна бойитиш ҳаракатида бўлмоғимиз даркор.

(Давоми 2-саҳифада)

## MUNOSABAT

### МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАРДАН ИБРАТ ОЛАЙЛИК

Юртимизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун дунёда мафкуравий кураш шиддатли тус олган. Бундай пайтда ёшларнинг тафаккур оламини бойитиш, уларни халқ ва ватан хизматида шай қилиб тарбиялаш ҳар доимидан ҳам муҳим масала. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси тасдиқланган эди.

Халқимиз азалдан алп ўғлонларни мард, ҳалол, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга интиланган. Бу борада фольклорга мурожаат қилинган. "Алпомиш", "Тўрўғли" каби ўлмас достонларимиз аслида ватанпарварлик мавзуда. Шунингдек, Тўмарис, Спитамен, Широқ, Жаллолиддин Мангуберди, Наҳмиддин Кубро, Амир Темурдек улуг ажодларимиз ҳақида яратилган кўпдан-кўп асарлар ҳам ёшлар тарбиясига хизмат қилмоқда.

Бугунги техник тараққиёт даврида ёшларни фақат халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд этиш кифоя эмас. Шунинг билан олган ҳолда, номи юқорида зикр этилган концепцияда махсус бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар, хатто компьютер ўйинларини яратиш назарда тутилди. Қолаверса, бой ҳаётий тажрибага эга, турли мусобақа ва танловларда голибликни қўлга киритган ҳарбий хизматчилар, Куролли Кучлар фахрийлари, уруш ёки бошқа жанговар ҳа-

ракатлар қатнашчилари билан икки авлод учрашувлари, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундай ташаббуслар ҳам йигит-қизларни ҳарбий соҳага қизиқиши учун айни муддаодир.

Шу ўринда бир тақлиф: таълим муассасалари кутубхоналарини ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги бадий-тарихий адабиётлар билан бойитиб, асар муаллифлари билан ўқувчи ёшларни учраштираш мақсадга янада тезроқ эришган бўларди, назаримда.

Ҳозирги мактаб боласидан Широқ ҳақида сўрасангиз ганимини саҳрода адаштирган чўпон воқеасини айтиб беради. Ваҳоланки, уни қандай куч бундай жасоратга ундаганини ёшларга тушунтиришимиз даркор.

"Широқ душмани ишонтириш учун қулоқ-буринни кесди", — деган гапни шунчаки айтиб ўтиш ярамайди. Кино ва мультфильмлар сценарийсини ёзишда шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Мақсад битта — бугунги авлод тарихий қаҳрамонларимиз билан фахрлансин! Мана энди бунинг учун ҳуқуқий асос ҳам яратилди.

Янги концепция миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим аҳамият касб этишига ишонаман. Ҳарқалай бу йўлда қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилсак, кўп нарсага эриша оламиз.

Нодира РАСУЛОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти  
доценти

## ЯНГИ УФҚ, САМАРАЛИ МУЛОҚОТ, ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР



Жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин юртимизда давлат ташрифи билан бўлган. Икки давлат раҳбарлари олиб борган музокаралар фақат бир мақсад — ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқалари, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Мана энди, ўша эзгу интилишнинг амалий ифодаси ўлароқ пойтахтимизда Ўзбекистон – Россия ёшлар фестивали ўз ишини бошлади. Йирик лойиҳада тадбиркорлик, туризм, таълим соҳаларида салмоқли ютуқларга эришган илгор фикрловчи йигит-қизлар — Россия федерациясидан жами 82 нафар делегат иштирок этмоқда. Ўзаро мулоқотлар давомида ёшлари-



миз билим ва тажриба алмашиб, янги ҳамкору сармоядорлар топишга интилоқда. Бундай интилишни ҳам, ҳар икки мамлакат Ёшлар иттифоқларининг ютуғи, деб бемалол атасак бўлади.

Асрлар силсиласидан омон қолган осори-атикалар, муқаддас қадамжолар миллатнинг нафақат бой тарихи, балки юксак маънавиятдан ҳам дарак беради. Шу маънода, россиялик мехмонлар дастлаб азим Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари — Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ҳазрати Имом мажмуаси билан танишди.

Ушбу кичик саёҳат фестивал дастурига киритилган Ўзбекистон – Россия ёшлар бизнес-форумининг янада самарали ўтишига хизмат қилганини ҳам таъкидлаш ўринли. Зотан, асосий тадбирлар чоғида ички туризм имкониятларидан унумли фойдаланиш ва ёшлар туризмни ривожлантириш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилган.

Биринчи Ўзбекистон – Россия бизнес-форуми ўз майдонида фаол тадбиркорлар, стартаперлар, иқтисодчилар, давлат ва нодавлат таш-



килотлари вакиллариини жамлади. Унда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, халқаро бизнес лойиҳаларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, янги стратегиялар, тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилётган имкониятлар атрофлича таҳлил қилинди.

— 2016 йили Козон федерал университети битирувчилари томонидан "GovetMedia Plus" номи технологик лойиҳага старт берилганди, — дейди Россия делегацияси аъзоси, "GovetMedia Plus" халқаро компанияси юридик бўлими бошлиғи Регина Власова. — Кейинчалик ташаббус Швейцария ва Канада сармоядорлари томонидан қўллаб-қувватланди. Лойиҳамиз тадбиркорларга малакали



мутахассисларни топиш, сармояларни жалб қилиш масалаларида ёрдам бермоқда. Мана энди, ушбу тажрибани Ўзбекистонда ҳам омалаштирмоқчимиз.

Бизнес-форум натижасига кўра, 100 га яқин келишув имзоланди. Улар тез фурсатда ўз самарасини беришига ишонч билдирилди.

— Мазкур форум нафақат биринчи бор ўт-

казилаётгани, балки анча ноодатий форматта эга экани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Россия Федерацияси Давлат думаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Алексей Кулинич. — Биз инновацион ғоя ва технологиялар алмашиш масаласини ҳам кўриб чиқдик. Бизнес ривожини учун бундай ҳамкорлик ниҳоятда зарур. Ўзбекистонлик ёш тадбиркорларнинг айрим лойиҳалари билан танишиб, ростки, қойил қолдим. Улар нима қилиш кераклигини, муҳими, буни қандай қилиш кераклигини жуда яхши тушуниб етмоқда. Бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатлар кўп.

Форум олдида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллий ҳунармандлик буюмлар ва тасвирий санъат асарлари кўзгазмаси мехмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Бугун Ўзбекистон – Россия ёшлар фестивали Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўз ишини давом эттиради.

Нозима МИЯССАРОВА,  
Шерзод МАХМУДОВ



Қаҳрамон  
ҚУРАНБАЕВ,  
Ўзбекистон  
ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши  
раиси:

— Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи чоғида кўплаб соҳалар қаторида ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳам узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириш зарурлиги таъкидланган. Биз Россия ёшлар иттифоқи билан бундай алоқаларнинг заруратию аҳамиятини теран англаб турибмиз.

Ўтган давр мобайнида уч мартаба Ўзбекистон – Россия ёшлар форумлари ўтказилди. Бугунги фестиваль бирдамлик сари қўйилган навбатдаги қадамдир. Яқин кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Россия бизнес-инкубатори иш бошлайди. Тайёргарлик ишлари аллақанда бошланган. Қолаверса, Россия ва Ўзбекистонда ёшлар туризм марказини очишни кўзда тутганмиз.

Татьяна СЕЛИВЕРСТОВА,  
Россия ёшлар иттифоқи раиси ўринбосари:

— Россия ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ўрнатилганига яқинда бир йил тўлади. Ўтган давр мобайнида кўплаб муҳим тадбирлар ташкил этдик. Ўзбекистон – Россия бизнес-форумидан, қолаверса, унинг доирасида эришилган келишувлардан умидимиз катта. Медиа макони кенгайтириш мақсадида интернет лойиҳасини ишга тушириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган.

Алексей ЕЖОВ,  
Россия ёшлар иттифоқининг  
Халқаро лойиҳалар маркази директори:

— Ҳозирда "Халқаро ёшлар бизнес-инкубатори" лойиҳасини амалга оширяпмиз. Унинг доирасида йўналиши бўйича бир-бирига яқин бизнес лойиҳалар танлаб олинапти. Масалан, ахборот технологиялари билан шуғулланувчи тадбиркор билан фаолияти сабзавотчилик билан боғлиқ тадбиркор ўртасида фарқ бор. Уларнинг қизиқишлари турлича.

Сентябрда Москва, Астрахань ва Волгоград шаҳарларида ўтказилган III Россия – Ўзбекистон ёшлар форуми доирасида юртингиз ёшлари аниқ ғоя ва ташаббуслар билан бизга мурожаат қилганди. Белгородда Ўзбекистон – Россия бизнес-инкубаторлари фаолиятини йўлга қўйдик. Яқин истиқболда Тошкентдан Белгородга мевалар етказиб бериш бошланади.



## DOLZARB MAVZU

Эфир юзини кўролмаётган  
МУЛЬТФИЛЬМЛАР

Рисолат МАДИЕВА

“Ўзбекино” миллий агентлиги хузуридаги Мультипликацион фильмлар студияси матбуот анжуманини ўтказди. Унда юртимиз иждоқорлари яратётган анимацион фильмларни оммалаштиришдаги муаммолар, соҳада кўзга ташланаётган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари хусусида сўз борди.

Анимация бу — кино, расм, расмлик, адабиёт, мусика, театр, фотография, дизайн каби кўплаб соҳалар кесишган, чуқур фалсафий ва ҳаётий мазмунга эга жуда бой олам. Аниматор жонсиз буюмларга ҳаёт бахш этади, уларга калбининг бир парчасини жойлайди. Ҳақиқий анимацион фильм инсонни чуқур мушоҳадага чорлаб, тарбиялаши мумкин. Бироқ бугун телеканалларимизда асосан

хорижий мультсериалларнинг намоиши этилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу хавотирли ҳолат!

— Ёшларни миллий руҳда тарбиялашимиз кераклиги ҳақида кўп гапираемиз, — дейди Мультипликацион фильмлар студияси директори Обид Асомов. — Аммо ҳеч ўйлаб кўрдикми, фарзандларимиз телеэкран қаршисига ўтириб нимадани томоша қиляпти? “Болажон” телеканалда хо-

рижий мультфильмлар тўлиб-тошиб кетган. Аммо, давлат ажратган қарийб ярим миллиард сўм эвазига ва нақ саккиз ой тер тўкиб яратган анимацион фильмимиз ҳамон эфир юзини кўролмаётган. Қанчадан-қанча мурожаатимиз қоғозда қолиб кетмоқда. Менимча, миллий телевидение, аввало, миллий медиа-маҳсулотларни намоиши этиши керак. Ҳозирда анимация соҳасида малакали ёш кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Сценарийбоп, мазмундор асарлар топши мақсадида “Гулхан”, “Гунча” каби журналлар билан ҳамкорлик ўрнатилган кўзда тутилган.

Эслатиб ўтаемиз, Мультипликацион фильмлар студияси жорий йилда “Ҳаёт дарёси” ва “Гилдиракли уй” номли иккита янги картинанинг тақдимотини ўтказган.


Инновация + тафаккур =  
ТАРАКҚИЁТ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида математика бўйича Мухаммад Хоразмий номидаги халқаро фан олимпиадасини ўтказиш таклифини илгари сурганди. Жорий йилнинг 26 августидан эса, Вазирилар Маҳкамаси олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ушбу олимпиадани ҳар икки йилда бир марта ташкил этишга доир қарор қабул қилди. Буюк алломанин жажон илм-фани ва цивилизациясини ривожига қўшган улкан ҳиссасини халқаро миқёсда тарғиб этиш, қолаверса, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларни фундаментал ва аниқ фанларга қизиқтириш ҳамда илм-фан йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган олимпиаданинг илк иштирокчилари куни кеча Урганч шаҳрига етиб келди.

Хоразм замини азалдан маърифат ўчоғи сифатида донг таратган. Биргина Маъмур академияси фикримизга ёрқин исбот бўла олади.

— Юртингизга илк бор келишим, — дейди Мўғлистон технологик институти



талабаси Сугарма Алтанқуяг. — Хива шаҳрига саёҳат бир умр ёдимда қолади. Очқ гап, Ўзбекистон бу даражада гўзал диёр эканини билмаганим. Бу ерда неча-неча улуг алломалар етишиб чикканидан ҳам беҳабар эдим. Олимпиада сабаб турли миллат вакиллари билан дўстлашдим. Бундан беҳад мамнунман. Кеча тонган Урганч шаҳридаги Ёшлик

спорт мажмуасида халқаро олимпиаданинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов, Хоразм вилояти хокими вазири Шавкат Аюпов сўзга чиқиб, иштирокчиларни кутлади. Шунингдек, Италиянинг Низа университети профессори Марко Абеттеинг онлайн табриги эшитилди. Талабалар буюк математик, астроном ва географ Мухаммад Хоразмий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, хотирасига хурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг Россия, Хитой, Буюк Британия, Индонезия, Словения, Оман, Болгария каби дунёнинг йигирмата давлатидан келган 334 нафар йигит-қиз билимлар синовига киришди. Жараёнинг шаффоф тарзда кечishi таъминланди.

— Олимпиадага биз кутгандан ҳам аъло даражада тайёргарлик кўрибди, — дейди хитойлик иштирокчи Мингхун Оуанг. — Алгебра сув қилиб ичган инсон учун бирорта ҳам масалани ечиш қийинчилик туғдирмайди. Лекин инглиз тилини мукамал билмаганим бироқ панд берди. Ўйлашимча, барибир, ёмон натижа кўрсатмадим. Мана шунча математик тенгдошларим билан яқиндан танишиш мен учун ҳаммасидан ҳам завқли бўлди.

Мухаммад Хоразмий номидаги халқаро математика олимпиадаси ғолиблари бугун аниқланди.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,  
Сумбилой НУРМЕТОВА

## JARAYON

Юртимиз пахта далаларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Мазкур жараёнда тенгдошларимиз ҳам жуда фаол.

## ЧЕТДА ТУРИШ ЙЎК



Ёшлар иттифоқининг Андижон вилояти кенгаши ташаббусига кўра бир неча “Фидойи ёшлар” отрядлари тузилган. Бироқ Иттифоқчиларнинг ўзи ҳам четда тураётгани йўк. Улар умумий ишга икким қадар ўз хиссасини қўшмоқда.

Яқинда Бўз туманида “Хорманг, пахтакорлар!” лойиҳаси амалга оширилди. Унинг доирасида кенгаши ходимларидан бир гуруҳи пахта теримида катнашди. Зардорларга эсдалик совғалар топширилди.

А.АБДУРАХИМОВ

АНА СОВҒАЮ,  
МАНА СОВҒА!

Наманган вилоятида эса, илғор теримчиларга нақ 200 миллион сўмлик совға-салом улашилди. Турли манший техника жихозлари ортилган машина куни кеча Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши биносидан йўлга чиқиб, ўнта тумандаги пахта далаларини кезиб чикди.

“Фидойи ёшлар” отрядлари вакиллари совғаларни вилоят етакчисининг шахсан ўзи топширди. Биринчи бўлиб кутилмаган сурпризи Учқўрғон туманида хормай-толмай меҳнат қилаётган ҳашарчилар қабул қилиб олди.

З.ЗАЙНИДДИНОВА

## Ёрқин из

Навоий кон-металлургия комбинатидаги Ёшлар иттифоқининг етакчилар кенгаши ташаббуси билан “Эзгулик йўлида бирлашайлик!” акцияси амалга оширилмоқда. Унинг доирасида корхона ёшлари ишдан бўш вақти ҳамда дам олиш кунларида пахта термоқда.

Эътиборлиси, йиғим-теримдан

А.БОБОМУРОДОВ

## JAMOATCHILIK NAZORATI

ОТА-ОНА  
БЕҲАБАР(!)

Малик СИНДОРОВ

Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши, Халқ таълими ва ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда “Ўқувчи” рейдларини ўтказди.

“Бошлагич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ойлари” доирасидаги ташаббус давомат масаласида салбий ҳолатлар борлигини ҳам кўрсатди. Масалан, Жиззах шаҳрида ўн нафар мактаб ҳамда уч нафар касб-хунар коллежи ўқувчиси дарс вақтида интернет кафеда ўтиргани аниқланди.

— Ёшим ўн иккида, — дейди 5-умумтаълим мактаби ўқувчиси Акмал Озодов. — Эрталаб инглиз тилидан икки-уч соат қўшимча сабоқ олам. Мактабдаги дарс эса, пешинда бошланади. Унгача шу ерда ўйин ўйнайман. Ота-онам бундан беҳабар. Мазкур мактабнинг юкори синф

ўқувчилари устоз машғулот ўтиш ўрнига уларга рухсат бериб юборгани боис, интернет кафега келганини айтди. Вазиятга ойдинлик киритиш учун маъсулларга мурожаат қилдик.

— Охириги дарс соатида йиғилиш ўтказгандик, — деб тушунтиради мактаб директорининг маънавий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Норпулатова. — Шу боис ўқувчилар болаларга жавоб бериб юборган. Тан оламиз, хато биздан ўтди.

Ишчи гуруҳи аниқланган ҳолатлар юзасидан мактаб маъмурияти ва ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб борди ҳамда ота-оналари билан мулоқот ўтказди.

## FAN OYLIGI

Мукаддас МУСАЕВА

Пойтахтимиздаги 301-умумтаълим мактабда “Она тили ва адабиёт фани ойлари” доирасида “Тил дилларни боғлайди” деб номланган маърифий тадбир ташкил этилди.

Дилларни  
БОҒЛОВЧИ РИШТА

Унда русийзабон ўқувчилар иштирок этиб, ўзбек тилида шеърлар ўқиди, миллий кўшиқ ва рақслар тасвир этди. Меҳмон сифатида тақлиф этилган таниқли актёр ҳамда режиссёр Фарход Худойбердиев бундан ўз хайратини яшира олмади.

— Ўзбек тилига шунчалик меҳр бериб, фикрларини аниқ-тиниқ қилиб ифода қилган йигит-қизларга хурматим ортди, — деди санъаткор. — Ҳозир чет тилидаги сўзларни қўшиб гапириш ёшлар орасида урф бўлиб қолди. Аслида

бу уятли ҳолат. Ахир, она тилимизнинг софлигини қандай бўлмасин сақлаб қолишимиз керак.

— Ўқувчиларим тадбирга алоҳида иштиёк билан тайёргарлик кўрди, — дейди ўзбек тили муаллими Манзура Исрофилова. — “Мен Ўзбекча кўшиқ айтай”, “Мен Навоийнинг ғазалини ёд оламан”, деб ўзлари ташаббус кўрсатди. Тилимизга бундай муносабат кишини қувонтиради, албатта. Ўйлаيمانки биз тарбиялаётган бугунги авлод келгусида миллий кадрларга хурмат руҳини йўқотмайди.

## XALQARO HAMKORLIK

Тўмарис АЪЗАМ

Ўзбекистон давлат академик рус драма театри таклифига биноан Россиянинг Сергей Образцов номидаги кўғирчоқ театри юртимизда гастроль сафари билан бўлди.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК  
танаффусдан сўнг

Дунёдаги энг йирик кўғирчоқ театри сифатида “Гиннеснинг рекордлар китоби”га киритилган улкан санъат даргоҳи иждоқорлари қирқ йиллик танаффусдан сўнг ўзбек томошабинлари эътиборига “Ғаройиб концерт” шоу-томошасини ҳавола этди.

“Ғаройиб концерт” дастури етмиш бир йиллик тарихи давомида ўн минг маротабадан кўп сахна юзини кўрган. Постановкада эликдан ортик кўғирчоқ иштирок этади.

— Шоу-томошаси мукамал сахналаштирилган, — дейди санъатшунос Наима Аҳадова.

— Ҳаракатлардан тортиб кичик деталлар — барчасидан маъно ўқасиз. Мусика, рақс, ҳатто кўғирчоқлар учун таянган либослар менда ёрқин таассурот уйғотди. Нега йиллар ўтса ҳам, бу сахна асарининг аҳамияти заррача қамайгани йўк. Унда илмли инсонларнинг кадр-киммати ҳақида сўз боради.

Гастроль сафари чоғида “Ғаройиб концерт” шоу-томошаси билан бирга “Мушукнинг уйи” спектакли намоиши этилди. Бир қанча томошалар Самарқанд шаҳридаги Антон Чехов номидаги Рус драма театрида ҳам бўлиб ўтди.

## O'RNAK OL!

Шавкат КАРОМОВ

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРДАН  
50 МИЛЛИОН СЎМ  
ҒОЙДА

“Сероб ўғли Чори” фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Шаропов ер билан тиллаша бошлаганига унча кўп бўлгани йўк.

Жорий йилда у банкдан 8 миллион сўм миқдорда кредит олиб, 1 гектарга эллик беш минг туп аччиқ қалампир қўчатини экти.

Энди ёш фермер қуритилган қалампирни Ҳиндистонга экспорт қилишга таралдуд қўряпти.

— Қалампир жуда даромадли ўсимлик, — дейди С.Шаропов. — Лекин шунга яраша меҳнатни ҳам талаб қилади. Йилни 50 миллион сўм ғойда билан яқунлашни режалаштирганман.

Дарвоқе, тенгдошимизнинг фермер хўжалигида 30 нафар йигит-қиз иш билан таъминлаган. Бироқ жонқур фермер бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Тез орада ғойалягини кенгайтириб, 1 гектар майдонда интенсив боғ барпо этишни мақсад қилган.



## TANLIL VA TALQIN

Жамолиддин КАРИМОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
хузуридаги Илмий тадқиқотлар ва инновацион  
лойиҳалар маркази бўлими мудири

# ФАТВО МУКАММАЛ ИЛМНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ МАСАЛА

Бугун ўзини мужтаҳид ҳисоблаб, асрлар давомида мусулмон жамоалари эътиқод қилиб келган мазҳаб таълимотларига зид фатволар бераётган ва уларни “шаръий” фатво, дея одамлар орасида турли ихтилофлар келтириб чиқараётган ҳамда ўз қилмишини диндорлик, уламолик ниқоби билан ҳаспўшлаётган мутаассиб тоифаларнинг ҳаракатларига бефарқ қараб бўлмайди. Негаки, бу каби ҳолатлар аҳли мусулмонларни тўғри ақида ва мазҳабдан чалғитиб, янада аянчлисиз, адоват уйғотади ва ҳатто ўта мутаассиб кайфиятнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаши мумкин.

Мисрлик сохта салафий оқим раҳна-моларидан бири томонидан “мусулмон бўлган тақси ҳайдовчисининг насроний руҳонийларига хизмат қилиши спиртли ичимлик ичиш билан баробар бўлган оғир гуноҳ”, экани тўғрисида берилган “фатво” оқибатида зиддиятлар юзага келган. Қизларнинг физика, математика, жугрофия каби аниқ ва табиий фанларни ўрганиши бефойда, деб қаралиб, бу йўналишларда таҳсил олишини ман этувчи “фатво” сабаб эса, баъзи давлатларда қизларга ҳамда улар таҳсил олаётган мактабларга мутаассиб мухлислар томонидан тажовуз қилинган, турли жисмоний ва таҳқирловчи хуружлар уюштирилиб, талафотлар етказилгани кўпчиликка аён.

## РАСУЛУЛЛОХ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАССАЛЛАМ: “ФИТНА УЙҚУДАДИР. УНИ УЙЎТДАННИ АЛЛОХ ЛАЪНАТЛАСИН”, — ДЕБ МАРҲАМАТ ҚИЛГАНЛАР.

(Рофъий ривояти)

Мутаассиб раҳнамолар томонидан берилмаётган юқоридаги каби “фатво”лар оқибатида жамиятлар парокандаликка юз тутиб, хунрезлик ва фитналар авж олаётгани, афсуски, бор гап. Фатво берувчи, яъни муфтийнинг макоми барчанинг наздида юқорилиги борасида машҳур фақиҳлардан Имом Қарофий шундай дейди: “Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар нассага тааянган ҳолда ҳукм чиқарадилар”.

Имом Шотибий эса: “Муфтийлар уммат учун Расулulloх соллalloху алайхи вассаллам макомларида бўладилар”, — дея таъкидлаб, бунга далил сифатида “Олимплар пайгамбарларнинг меросхўрларидир. Пайгамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар”, мазмундаги ҳадисни келтиради.

Фатво бериш нафақат шарафли, балки ўта маъсулиятли вазифа ҳамдир. Имом Молиқнинг: “Инсон бирон саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилсин-да, кейин жавоб берсин”, — деган сўзлари бунга ёрқин далилдир. Қолаверса, у киши билан боғлиқ қуйидаги воқеа барчага ибрат бўлиши шубҳасиз.

Имом Молиқдан бир киши савол сўраганда у зот: “Билмайман”, — деб жавоб беради. Савол берган киши: “Бу осон савол бўлса, шунга ҳам билмайман дейишга уялмайсанми?”, — деб маломат қилганда имом жавоблайди: “Осон масала? Билиб қўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг: “Зеро, Биз сизга оғир Сўзни (Қуръонни) туширажамиз” (Музаммил сураси, 5-оят), деган оятини эшитмаганмисан?! Илмининг барчаси қийин, жумладан, сен сўраган нарса ҳам”, — деган экан.

Қўриниб турганидек, фатво бериш ўта нозик масала бўлиб, мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Унга номуносиб, чаласавод, оят ва ҳадисларни бир томонлама талқин қилувчи кимсаларнинг қўл уриши фамфириклик, ягона эътиқод, тоқатлилик ва диний бағрикенглик илдиларига болта уриб, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл мохияти тинчлик бўлган ислом динининг жохилликка қорловчи таълимот сифатида талқин этилишига

сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли ислом қондаларига биноан, фатво бериш ҳукуки ақида ва фикс илмида мукамал даражага етган, Қуръон тафсири ва турли илмларини тўлиқ ёддан билувчи, қолаверса, “муфтий” (фатво берувчи) мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилди.

Имом Аҳмад ибн Ханбал розиллоху анҳудан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мумкинлиги ҳақида сўралганда, у киши қамида тўрт юз минг ҳадисни билиш лозимлигини айтган.

Ибн Асоқир келтирган Расулulloх (соллalloху алайхи вассаллам)нинг “Кимда-ким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лаънати бўлсин”, деган ҳадислари бугунга келиб башариётини ташвишга солаётган баъзи “фатвочи уламолар”нинг чақирқиларини ақл чиниритидан ўтказиб, шоиимасдан таҳлил қилиш заруриятини кўрсатади.

Бугунги кунда ахборот тарқатишининг турли каналлари, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали фатво бериш амалиётининг авж олаётгани яна бир ҳавотирли жиҳатдир. Бойси бундай пайтда фатво берувчи ақсарият ҳолларда фатво сўровининг ҳолати ёки вазияти тўғрисида маълумотга эга бўлмай туриб ҳукм чиқараяпти. Бу эса, нафақат жамият, балки мукаддас динимиз учун ҳам таҳдид омилли саналади. Негаки дунёда бир миллиарддан зиёд мусулмон бўлгани билан мазҳаблари турли-туманлиги сабаб оқибати пухта ўйланмай чиқарилган “фатво”лар натижада тушуномчилик ва низолар юзага келиши ҳеч гап эмас.

## ФИҚҲИЙ КИТОБЛАРДА ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА, МУФТИЙ ЮКСАК ИЛМ СОҲИБИ БЎЛИШДАН ТАШҚАРИ, МАКОН ВА ЗАМОН ВОҚЕЛИГИ, ШАРТ-ШАРОИТДАН ХАБАРДОР БЎЛИШИ ЗАРУР.

Бу борада АКШдаги Миллий масжид президенти ва имоми Толиб Шариф Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари билан бўлиб ўтган учрашувда шундай деган эди: “Фатво бериш учун мукамал билим талаб этилади. Қолаверса, муайян мамлакат шарт-шароитларини билиш ҳам лозим. Муаммо шундаки, араб мамлакатларидаги муфтийлар АКШ ёки Европа мусулмонларига фатво беради. Қолбуки, улар ўша мамлакат шариотини билмайди. Мисрада ўқиган пайтларимда устозим Шайх Аҳмаддан: “Миср муфтийлари америкаликлар учун бераётган фатволар муаммолар келтириб чиқармоқда. Нима қилиш керак?” — деб сўраганимда, Шайх: “Токи ўзингиздан, ўша минтақа шариотини биладиган муфтий чикмас экан, бу муаммолар давом этаверадир”, — деб жавоб қилган эди”.

Шундай экан, фатво талаб қилувчи ўзи яшаб турган ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи ва шариотларидан яхши хабардор бўлган, илми мукамал уламога юзланиши турли мусибатлардан сақланишга қаратилган энг яхши чора эканини доимо ёдда тутишингизни истаб қоладик.

## FOTOFAKT



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Қатортол кўчасида беш қаватли янги китоб савдо мажмуаси иш бошлади. Мажмуада маънавий хазина билан ошно бўлиш

баробарида хорижий тилларни бепул ўрганиш мумкин. Бинонинг юқори қаватларида эса, “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази тахририяти фаолият кўрсатади.

## BUGUNNING GARI

# МАКТАБ ФОРМАСИ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ НАМУНАСИ

Нозима ОЛИМОВА

Шу кунларда қизгин муҳокамага сабаб бўлаётган мактаб формаси фақат таълим муассасасининг шону-шавкати учун керакми? Масалан, ҳарбийлар учун махсус формада юриш мажбурий. Ана шу қатъий талаб босиб, биз мазкур соҳа ходимларини таниймиз, қолаверса, давлат ва халқ олдидagi бурчини ҳаминша ҳис этиб тураемиз. Умуман олганда, форма кичида савлат, гурур бағишлайди. Айтайлик, шифокорнинг ок либосига ҳавас қилиб, тиббиёт йўналишини танлаганлар оз дейсизми.

Мактаб формасининг ҳам ўзига яраша ижобий томонлари бор. Психологлар бу бўйича уч асосий омилни келтиради. Булар: ижтимоий тенгликни таъминлаш; ўқувчиларни тартиб-интизомга ўргатиш ҳамда улардаги маъсулият ҳиссини кучайтириш; эстетик тарбия, яъни болага ёшланидан тўғри ва чиройли кийинишни ўргатишдир.

Баъзи мамлакатлар учун мактаб формаси

асрлар давомида шаклланиб, анъана даражасига етган. Масалан, инглиз ёки япон ўқувчилари мактабга миллий услубда яратилган формада боради.

Юртимизда ҳам мактаб формасини жорий этиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Жорий йилнинг 15 августида Вазирлар Маҳкамаси “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб

## TASHABBUS

Хасан УСМОНОВ

Пойтахтимиздаги 15-болалар мусика ва санъат мактабида Ёшлар иттифоқи Чилонзор тумани кенгаши, халқ таълими ва маданият бўлиmlлари ҳамкорлигида икtidорли ўғил-қизлар иштирокида “Боласиман Ўзбекистонинг!” шиори остида кўрик-танлов ўтказилди.

## Бир танловки...

Беллашув доирасида умумтаълим мактабларидан сараланган 13 та жамоа ватанпарварлик мавзунда кўшиқлар ижро этиб, саҳна кўринишларини намойиш этди. Ўқувчилар “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-мохияти ҳақида ҳам батафсил тўхтади. Яқуний натижаларга кўра, 195-умумтаълим мактаби жамоаси 1-ўринга лойиқ топилди.

формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Хужжатга мувофиқ, мактаб болалари учун ягона форманинг шакллари ҳамда уни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низо тасдиқланди.

Низомга кўра, ягона мактаб формаси кейинги ўқув йилидан бошлаб мажбурий этиб белгиланади. Бирок, очигини айтиш керак, айрим тенгдошларимиз ва ота-оналар бунга қарши. Сабабини билишга ҳаракат қилдик. Қарши фикр билдирганларнинг ақсарияти оқ-қора кийимга мослашиб қолгани, янги форма уларга ноқулай туюлаётганини айтган. Лекин давлат томонидан тақлиф этилаётган мактаб формаси дизайнини астойдил маъқулловчилар ҳам бор.

— Мен мактаб формасини фарзандларим учун муҳим, деб ҳисоблайман — дейди фарғоналик Дурдона Қаримова. — Ўқувчиларни тартиб-интизомга ўргатиш ва ижтимоий тенгсизликнинг олдини олишда форма катта ёрдам беради. Болага формани мажбурий эмас, балки аҳамиятини ётиги билан тушунтирган ҳолда кийдириш керак.

Яна бир гап: ягона мактаб формаси мамлакатимиз таълим тизими имижини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Бу масалада шахсий хоҳиш-истакни эмас, балки умумманфאתни устун қўймоқ айни муддао, назаримизда.

# ЎЗИМИЗНИ АЛДАЙМИЗ, ХОЛОС

Н.НУРАЛИЕВА

Куз мавсумида ўқув қуролларининг савдоси чакқонлашади. Улар шунчалик хилма-хилки, қай бирини танлашни билмай, бошинг қотари. Баъзан шу масалада ота-она ва фарзандлар ўртасида зиддиятлар ҳам келиб чиқмоқда.

Ақсарият болалар Зорро, Ўргимчак одам, Трансформер каби замонавий киноқаҳрамонлар ёки шоу-бизнеснинг таникли вакиллари тасвирланган дафтарларни маъқул кўрса, ота-оналари, аксинча, давлат рамзлари, қалмиий обидалар, улғ аждодларимиз сурати ақс этган маҳсулотларни харид қилгиси келади.

Афсуски, орамизда арзонга ёпишадиганлар ҳам бор. Бирок бундай ёндашув кўпинча ўзини оқламайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ, деганларидек, арзон маҳсулотларнинг сифати ҳам ўзига яраша-да.

Таассуфки, бозор расталарида ана шундай сифатсиз ўқув қуролларининг кўпайишига нафси ҳақалак отган, уддабурон “тадбир-



кор”лар муносиб улуш қўшмоқда. Айримлари ҳатто юртимизга ноқонуний кириб келган ҳамда давлат стандартларига мос келмайдиган матбаа маҳсулотларини сотишдан тап тортаётгани йўқ. Аянчлисиз, арзон қоғоздан тайёрланиб, “оммавий маданият”га қорловчи дафтарлар, ёзиб улгурмасиндан сиёҳи



## КОНТРАФАКТ

ЮРТИМИЗДА КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАРНИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЁКИ СОТГАН  
ФУҚАРОЛАРГА ЭНГ КАМ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИНГ  
5 БАРАВАРИГАЧА, МАНСАБДОР  
ШАХСЛАРГА ЭСА, 10 БАРАВАРИГАЧА  
ЖАРИМА СОЛИНАДИ

оқиб кетадиган ручка ва бошқа сифатсиз нарса-буюмлар болажонлар кўлига етиб борапти. Уларнинг саломатликка кўрсатаётган салбий таъсирини айтмайсизми!

Бундай ўзибиларчилик оддий қалам-ручкадан энди дарслик, бадиний китобларга кўчгани янада ҳавотирли. Бичими бирмунча кичик, харфлари майдароқ, сифатсиз бўёқда босилган китоблар ўқувчи учун қўшимча ноқулайлик туғдириши турган гап.

— Белгиланган меъёр ва талабларга ному-

вофик тарзда ишлаб чиқарилган ўқув қуроллари ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан хавфли, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, алерголог Зарема Абдусайдова. — Хусусан, дарсликлардаги кингир-қийиш ёзувлар, бўёқ хидининг аниқ туриши боланинг кўнглини беҳузур қилиб, кўриш қобилиятини пасайтиради. Бунинг оқибатида наврасталар алергик касалликларга йўлиқиши ҳам мумкин.

Хозирги кунда мамлакатимизда 1 минг 718 та матбаа қорхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 82 таси китоб ва дарсликлар, 294 таси даврий босма нашрлар, 51 таси дафтар, 91 таси қанцелярия маҳсулотлари, 385 таси реклама материалларини чоп этишга мўлжалланган. Афсуски, соҳага ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг барчаси ҳам ҳалол ишлаётгани дейлаемиз.

Масалан, жорий йилда Тошкент вилоятидаги “Илм шуъласи” улғуржи бозорида сифатсиз матбаа маҳсулотлари сотувига чек қўйилган. Бундан ташқари, навоийлик яқка тартибдаги тадбиркор Г.Исаева “Баёз” нашриёти грифи остида чоп этилган қалбаки

китоб савдоси билан шугуллангани, Қамашини шаҳридаги “Китоблар дурдонаси” дўконинда эса, қўлбола усулда тайёрланган мактаб дарсликларини сотиладигани аниқланган.

Маълумот ўрнида айтиш керак, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқарган ёки сотган фуқароларга энг кам ойлик иш ҲАҚИНИНГ 5 БАРАВАРИГАЧА, МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА ЭСА, 10 БАРАВАРИГАЧА миқдорда жарима солинади.

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili ta'lim yo'nalishida o'qiyman. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat stipendiyasiga hujjat topshirishim mumkinmi? Mening ta'lim yo'nalishim to'g'ri keladimi?

Akbar SULTONOV  
Toshkent shahri



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

Savolga huquqshunos  
Asror ERGASHEV javob beradi:

— Ha, to'g'ri keladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat stipendiyasi uchun tanlov quyidagi ta'lim yo'nalishlarida bakalavriat va magistratura uchun alohida-alohida o'tkaziladi:

- ✓ qishloq va suv xo'jaligi;
- ✓ texnika va informatika;
- ✓ sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot;
- ✓ ijtimoiy-gumanitar va ijtimoiy fanlar;
- ✓ tabiiy fanlar;
- ✓ biznes va boshqaruv;
- ✓ pedagogika;
- ✓ madaniyat, san'at va sport;
- ✓ xorijiy tillar;
- ✓ huquq va xalqaro munosabatlari;
- ✓ jurnalistika.

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tavsiyasiga binoan hukumat tomonidan har o'quv yili boshida ushbu ro'yxatga muayyan o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilishi mumkin.

## SHUKRONA

Jahongir RAHMATOV

Non — insonga in'om etilgan buyuk ne'mat. U dasturxonimiz ko'rki, gultoji. Odamlar nonni iste'mol qilibgina qolmay, uni balo-qazoldan asrovchi "tumor" sifatida ham ardoqlaydi. Beshikda yotgan chaqaloq boshi ostiga yonki kech qorong'uda uydun chiqqan bolaning quchog'iga non qistiradilar. Uzoq safarga, harbiy xizmatga otlangan yigitlarimizga non tishlatib, uni uyining ko'rimsi joyiga osib qo'yishlari ham bejiz emas. Ushbu an'ana zamirida rizqi shu yerda, sog'-omon qaytib keladi, degan mazmun bor.

## NONNING SEROBLIGI — yurtning obodligi



Ha, nonning buyuk ne'mat ekani, xosiyati haqida juda ko'p gapirilgan, qo'shig'u rivoyatlar to'qilgan. Rivoyat qilishlaricha, bir savdogar uzoq safarga otlanibdi. O'zi bilan kerak-licha oziq-ovqat, suv olibdi. Yo'lda horib, qorni och qolibdi. Qo'lidagi nandan bir ushug'i yerga tushibdi. Tashvishlangan savdogar tuyani

cho'k'tirib haligi ushug'ni qidira boshlabdi. Ammo topolmabdi. So'ng: "Birov bosib uvoliga qolmay", — deb ko'zlaridagi suvni to'kib, loy qilib, ushug' tushgan joyning atrofini devor bilan o'rabdi va yo'lida davom etibdi. Yillar o'tdi. Non ushug'i tushgan joydan bir buloq otilib chiqib, hammayoq yashillikka burkanibdi. Endi

sahroning o'rtasida paydo bo'lgan buloqdan o'tgan-ketganlar suv ichib, chanqog'ini qondirardi. O'sha o'bi hayotdan esa, tandirdan yangi uzilgan nonning xushbo'y ishi taralarmish.

Non eng ulug' va aziz ne'mat deyilishining boisi mana shunda. Qadimgi Afinada novvoylarga oltindan haykal qo'yilganining o'ziyoq fikrimizni tasdiqlaydi. Qolaversa, hadisi shariiflarda ham nonning behishtdan chiqqani ta'kidlangan. Xalqimiz azal-azaldan shu bebaho ne'matni e'zozlab, uvog'ini ham ko'zga surtib kelgan. "Novvoyxona — pirxona" degan naql ham bejiz paydo bo'lgani yo'q.

— Novvoylik hunarini egallaganimdan benihoya xursandman, — "Samarqanddon" aksionerlik jamiyatiga qarashli "Nurobod WACHTEL" issiq non sexida faoliyat ko'rsatayotgan Komiljon Toshpo'latov. — Uni hamisha e'zozlayman. Negaki, biz odamlarga rizq ulashamiz. Keyingi yillarda yurtimizda non va qandolatchilik mahsulotlarini ishlab chiqarish sohasi ancha rivoj topdi. Germaniya, Turkiya va boshqa xorijiy davlatlarning ilg'or texnologiyalari joriy qilinayotib, yangi sexlar ochilmoqda. Aksariyat korxonalar qoshidagi do'konlarda issiq non va boshqa noz-ne'matlar sotish yo'lga qo'yilgan. Nonning serobliligini mamlakat obodligidan dalolat. Yurtimiz hamisha shu mavqega musharraf bo'lgan. Masalan, poytaxtimiz non shahri, deya ta'riflanadi. Samarqand noni esa, yetti ilqimga mashhur. Diyo-rimniz har bir go'shasida bir-biridan mazali, to'yimli, xushta'm nonlar tayyorlanmoqda. Illo, doimo shunday bo'lib qolsin.

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

## QIZ BOLANING

## tarbiyasi nozik

Dilnoza ABDUHAMIDOVA

Qumri xola qo'shni ayollarga dardini dasturxon qildi: "Ukamning kelini ketib qoldi, qurib ketsin, ja tili uzun chiqdi-da... Opamning kelini esa, biram noshukrki, oxiri, jiyanim yaxshilab kaltaklagandi, u ham otasinikiga jo'navordi. Voy, qo'shniyonlar, hozir yaxshi qiz qolmagan. O'g'illarimga qanday qilib kelin tanlayman, deya xavotirdaman...".

Yana bir holat. Avtobusda ikki ayol kelinlarini g'iybat qilib ketyapti. Birovning gapini tinglash odobdan emas-ya, biroq ovozi balandligidan ularning suhbatini beixtiyor tinglashga majbur edim. Anglashimcha, biri qarindoshini kelin qilgan-u, lekin, oxir-oqibat, qudalar o'rtasiga sovuqchilik tushib qolgan, bordi-keldi ham uzilgan. Gap orasida o'sha ayol kenja o'g'illariga yaxshi qiz qidirib, joni halak ekani ham qistirib qo'ydi. Shu o'rinda savol tug'iladi: yaxshi qiz topolmay boshi qotgan qaynonalar o'z qizlarini munosib tarbiyalay olayotimikan?! Xulosa o'zingizdan.

\*\*\*

Bir paytlar ko'chaga chopqillab chiqqan qizalog'ini yoniga cha-

qirib: "Bolajonim, yo'ldan o'tayotgan erkak kishining yo'lini to'sish odobdan emas", — deguvchi, har kecha ibratli ertagu hikoyalar so'ylab berguvchi buvjonlarimiz bugun qo'shni ayollar davrasida o'tgan-ketganni g'iybat qilish bilan ovora bo'lib, nabiralari tarbiyasi haqida unutib qo'ymadimikan?

Mahallaning qaysi qizi yoki kelini haqida salbiy fikr eshita, yoqasini ushlab qo'yadigan yoki qulog'ini astagina tortib qo'yib: "Astag'fululloh, yaxshiyam mening qizim bunaqa emas", — deydigan, biroq o'z jigarbandi kunda-kunora erining uyidan qochib kelayotgan onalarimiz gap-gashtaklardan ortmay, farzandining

kelajagiga loqayd bo'lmayaptimikan?

Bugun mahallasi, qishlog'i, qo'yinki, butun mamlakatini dunyoga tanitayotgan o'zbek qizlari oz emas. Afsuski, birovning nojo'ya va nojoiz gap-so'zlari tufayli ularning shuncha mehnati bir pulga chiqmoqda.

Xotin-qizlar o'rtasidagi jinoyatchilikning ortayotgani, erta turmush, erta tug'ruq, ajrim holatlari jamiyat uchun jiddiy muammo. Ular taraqqiyotimizga raxna solishi aniq.

Jag'i-jag'iga tegmaydigan, na kichikni na kattani, kezi kelganda, ota-onasini ham bir tiyanga olmaydigan qizlarimizni ko'rib dahshatga tushasan, kishi. Biroq aybni, avvalo, o'zimizdan izlaganimiz ma'qul. Endi turmush tashvishlarini bir zungma unutib mulohaza qilib ko'raylik: orzumizdagi o'sha sochi supurgi, qo'li kasov, har gapida "labbay", deb turadigan kelinlarni birov emas, o'zimiz tarbiyalashimiz kerak, shunday emasmi? Nima dedingiz, qaynonajon?!

## KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

## Surat

Baxtiniso PARDAYEVA

Dengizni kuzatganmisiz? U juda sokin. Ammo biz uning sirini ko'ramiz, xolos. Sathi esa, dengiz yuzasining aksi. U yerda shiddatkorlik ustuvor.

O'zimni dengizga o'xshataman. Tashqaridan vazmin ko'rinsam-da, ichki dunyoim uning sathidek...

Amaliy mashg'ulotlarda qo'limga bir surat tushib qoldi. Tabiat hodisasi tufayli yuzaga keladigan, dengizda ko'tarilgan to'fon yoki to'lqinni, shunga o'xshash tasvir bor edi unda. Suratni ta'riflashim kerak. O'zimcha nimalar deyshim mum-

kinligi haqida o'yladim. Hamma berilgan vazifani bajarishga kirishdi. Men esa, hatto doskaga chiqishga istihola qilardim. Dars oxirlab qoldi hamki, surat qo'limga. O'z-o'zimga ishonchsizlik, qo'rquv va qat'iyatsizlik sabab tayyorlab qo'ygan nutqim aytilmasdan qoldi.


Umr yo'limizni hammamiz turlicha bosib o'tamiz. Birimiz to'q, birimiz yupun, kimdir dasturxon atrofiga oila a'zolari bilan jam bo'lsa, boshqa birov aksincha. Hayot shunaqa turfa olamdir. Ehtimol, ana shu turfalik bo'limganida, o'zimga qobiq yasab olmagan bo'larmidim...

O'sha suratni tanlaganim bejiz emasdi. Uni o'zimga bo'lgan kuchli ishonch va qat'iyatning asl ko'rinishidek tasavvur qilgandim. Oddiy surat menga ko'rsatgan ta'siridan so'ng, o'zim uchun bir qancha maqsad va vazifalarni belgilab oldim. Ularni dengizda ko'tarilgan to'fon singari birin-ketin amalga oshiryapman. Natija yomon emas, ishimni topdim. Endigi navbat keyingi vazifaga!!!

## O'QING, BU QIZIQ!



Inson tanasining har kvadrat santimetrida 16 ming bakteriya mavjud.



Sog'lom inson organizmida har kuni 300 milliard yangi hujayra paydo bo'ladi.



Odam mushukdan taxminan 20-30 marta og'ir. Agar mushukka oddiy shippak otilsa, bu inson ustiga kreslo otilgani bilan barobardir.

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

## O'ZINGDAN CHIQQAN BALOGA...

Ra'no SALIMOVA

Oq yuvib, oq taragan farzandi, oxiri, Gulsoraning boshiga yetdi. Mahalla raisining xonasidan chiqar ekan, onaizor qayerda xatoga yo'l qo'yganini o'ylay boshladi.

Bola tarbiyasida oiladagi muhitning o'rni katta. Sardor otasiz o'sdi. Ehtimol, tarbiyasiga shu narsa salbiy ta'sir ko'rsatgandir. O'yab o'yiga yetolmayotgan Gulsora yurishga ham madori qolmay, yog'och o'rindiqqa cho'kdi.

\*\*\*

Sanam ishini endi tugatib, o'g'lini uy vazifalariga qarashay deb turganida, eshik taqilladi. Azizning to'rt yashar ukasi Olim yugurib borib eshikka yopishdi. Kutilmaganda kelgan "mehmon" — Gulsora bolakayni turib ichkariga kirdi. Sanamni ko'rishi bilan baqira ketdi:

— Voy bu nimasi, Sanamxon?! O'g'lingizni tarbiyalasangiz bo'lmaydimi?! Bugun yana Sardorni kamsitibdi.

— Tushunmadim, nimalar deyap-siz, Gul'i?!

— O'g'lingiz aytmadimi?! Bugun darsda o'qituvchisi topshirik bergan ekan, o'g'lingiz bolamni guruhiga qo'shmay yakkalatibdi. Do'st degan ham shunaqa bo'ladi?! Ilgari ham o'g'lingiz "Karatega boramiz", deb bolamni yo'ldan urganda, zo'rg'a niyatidan qaytargandim. Mayib-payib bo'p qolsa, kim javob beradi, a?!

— E tavba, yashni niyat qiling! Men o'g'lim bilan, albatta, gaplashaman. Anglashilmovchilik bo'lgan, Gul, bolalar o'zlar kelishib oladi. Keling ularning orasiga sovuqchilik tushirmaylik.

— Shunday deb, o'g'lingizning yonini olasiz-da.

Sanam bir amallab Gulsorani tinchlantirib, uyiga jo'natdi. Gulsora ilgari ham shunga o'xshash mayda gaplar bilan odamlarning ko'nglini xira qilgan. Mahalladagi ko'pgina ayollar bilan o'g'li tufayli urishib-janjallashgan. Sardor juda sho'x bola, o'qishining mazasi yo'q,

keladi. Hammasi xamirdan qil sur'ugandek edi. Ammo Ummatjon uyga qaytganida it egasini tanimay, uning o'limiga sabab bo'lgan.

Umar aka va Hosila opaning mak-korligi o'z jigarbandining-da umriga zomin bo'lgani nihoyatda achinarli. Har bir ota-ona bolasiga nima kerakligini yaxshi anglashi lozim. Asar qahramonlari Ummatjonga bo'lgan voqeani yotig'i bilan tushuntirganida edi, fojiani oldi olingan bo'lardi. Endi ularning hovlisi kimsasiz, fayz-siz uyga aylaniq qolgandir.

Xullas, o'sha xonadon sohiblari-ga hayot sira tatimadi. Qilmish — qidirmish, deganlari shu bo'lsa kerak.

Asarni o'qir ekanisiz, o'zingiz uchun yangi-yangi xulosalar chiqaraverasiz. Muallifning topilmalari, o'rinni saboqlari kitobxonni jiddiy mushohadaga chorlaydi.

umuman dars qilmaydi. Onasi esa, farzandini to'g'ri yo'lga solish o'rni-ga, aksincha, tarbiyasizlik namunasi-ni ko'rsatib kelmoqda.

\*\*\*

Sanam mahalla eshigi oldiga kel-ganida Gulsorani uchratib qoldi.

— Bu yerda nima qilyapsiz? Mahal-lada ishingiz bormidi?

— Ha.

— Sardordan darak bormi?

Gulsora indamad.

— O'zingiz nega chiqdingiz? — so'radi u Sanamdan.

— Seshanba kuni Aziz Koreyadan qaytdi. Mahalladagilar uni katta tan-tana qilib kutib olamiz, deysindi.

— Ha, karatedan birinchi o'rinni ol-gandi-ya... Gulsora shu so'zlarni aytdi-yu, ichidan zil ketdi. Azizning o'mi-da o'g'li bo'lishini juda-juda istadi. Yo'lida davom etar ekan, o'g'ri-lik sodir etib, bir necha kundan beri qochib yurgan Sardorning qilmishi-ga chidolmay, alamlardan xo'ngrab yig'lab yubordi.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,  
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner

Abdullayev  
Xurshid  
O'ktamjonovich

Navbatchi

Sherzod Mahmudov

"YOSHLAR OVOZI" dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
1 belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.



Belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida,  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1036  
Adadi — 11583

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 00.20  
O'za yakuni — 22.20

O'fset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5